

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт махсулотларини олаётган вақтда махсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт махсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омборида ёки унга қаршли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт махсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт махсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт махсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт махсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт махсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Етказиб берувчи» нефт махсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт махсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефт махсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт махсулоти қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт махсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга қиради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«Тахياتош нефт базаси» МЧЖ

Манзили: ҚР Тахياتош тумани

Қорақолпоғистоннинг 50 йиллиги кучаси 5 уй

х/р: 2260 4000 4042 6871 2701,

Банк: ЎзСаноатқурилишбанк Тошкент ш.

Яшнобод филиали

ИНН: 204 592 009, МФО: 00432,

тел: (361) 224 97 78 факс: (361) 572 12 64,

Директор: _____ П.А.Бабаназаров

Ички сотиш бўлими: _____

Ҳуқуқшунос: _____



«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Махматаш Р-и Хотимши
А.Раҳобий Б-и
РС - 23402000300 10000 101 0
шхр - 1000 22860352287011 20401800,
Центр. банк. Г.Ташкент
МФВ - 00014 ШИ - 201122919
ШИИ - 207261100



_____ М.Майтараев

_____ М.Федотов